



**АБУ ҲАНИФА РОҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ КАЛОМ ИЛМИГА ОИД
АСАРЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10720132>

Гиёсов Асқар Тиркашевич

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи даври, кейинчалик урф тусини олган ва кенг ривожланган маънодаги тадвин асри бўлмаган. Шунинг учун у зот китоб ёзишга ўзларини банд қилмаганлар. Балки, ўша вақт таомилига кўра ижтиҳод қилиш, фатво ва дарс бериш орқали илм йўлида хизмат қилганлар⁶⁶.

Шундай бўлсада, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга мансуб бир неча асарлар борлиги маълум⁶⁷. Табакот ва тарожим мавзусида ёзилган асарлар⁶⁸да у кишининг фикҳга оид “Китаб ас-солах”⁶⁹, “Китаб ар-рахн”⁷⁰ номли китоблари ҳамда шартлар⁷¹ ва фароиз⁷² ҳақида асарлари мавжудлиги айтилган. У кишининг фикҳга алоқаси бўлмаган асарлари ҳам мавжуд бўлиб, бир неча бор нашр қилинган⁷³.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ушбу асарлардан бошқа асарлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, уларнинг “Муснад” асари ҳадис илми тўғрисида бўлиб, уни шогирдлари тўплаган. “Ал-Махориж” асари эса фикҳ тўғрисида бўлиб, уни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан шогирдлари Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган. Шунингдек, манбаларда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Китаб ар-радд алал қадария”, “Китаб ар-раъй”, “Ихтилаф ас-саҳоба”, “Китаб ал-жомиъ”, “Китаб ас-сияр” асарлари ва шогирдлари учун ёзган васиятлари⁷⁴ бўлгани ҳақида маълумотлар келган. Яна Абу Ҳанифага куйидаги бешта асар нисбат берилган:

1. “Ал-Фикҳ ал-акбар”.
2. “Ал-Фикҳ ал-абсат”.

⁶⁶ Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. – Б. 166.

⁶⁷ Броккельман К. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Миср: Дор ал-маориф, 1962. – Б. 240-243.

⁶⁸ Соймарий. Ахбор Аби Ҳанифа. – Б. 2, 65, 66, 78, 81.

⁶⁹ Кардарий. Манокиб. – Б. 147.

⁷⁰ Ўша асар. – Б. 49, 29.

⁷¹ Хусайний Ҳанафий Мухаммад. Ал-Мадхал лидиросат ал-фикҳ ал-ислабий. – Қоҳира: Дор ан-наҳза, 1974 – Б. 144.

⁷² Хоразмий Мухаммад ибн Махмуд ибн Мухаммад. Жомий ал-масонид. – Покистон: Матбаа аш-шоҳ, нашр санаси номаълум. – Б. 34.

⁷³ Ҳамавий Аҳмад ибн Мухаммад Маккий. Ғомзу уйун ал-басоир ала маҳосин ал-ашбоҳ ва-н-назоир. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1405х. – Б. 27.

⁷⁴ Умарий. Ал-Хилаф. – Б. 63-64.



3. “Ал-Олим ва-л-мутаъаллим”.
4. “Рисола Аби Ҳанифа ила Усмон ал-Баттий”.
5. “Васият Имом Аби Ҳанифа”.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг каломий қарашлари ва асарлари тўғрисида баҳс қилишнинг аҳамияти шундаки, кўпчилик у кишини фақиҳ ва тўртта мазҳаб бошлиқларидан бири сифатида танийди. Аммо, уларнинг ақидавий қарашларини фикҳий қарашларини билганларича билмайдилар. У зотнинг ақидага тегишли асарида ёритилган ақидавий масалаларни ўрганиш, ҳанафийлар мазҳаббошиси Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи мужтаҳид фақиҳ бўлиши билан бир қаторда, ақида масалалари бўйича ҳам фаолият олиб борганлари ва бу борада китоблар таълиф қилганлари маълум бўлади⁷⁵.

Аллома Саййид Муҳаммад Муртазо “Итҳаф ас-содат ал-муттақин” асарида, “Аҳли сунна вал жамоанинг мотурудия таълимоти асосчиси Абу Мансур ал-Мотурудий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг ақоид тўғрисидаги китобларини Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг китоблари асосида ёзган”, деб зикр қилганидан сўнг Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қуйидаги бешта асарини таъкидлаб ўтган: “ал-Фикҳ ал-акбар”, “ал-Фикҳ ал-абсат”, “ал-Олим ва-л-мутаъаллим”, “Рисола Аби Ҳанифа ила Усмон ал-Баттий” ва “Васият”⁷⁶. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг бу асарлари Аҳли сунна вал жамоа ақидасини мустаҳкамлашга катта ҳисса кўшган. У кишининг илмий изланишлари натижасида бу асарлар суннийлик ақидасининг ривожланишига катта туртки бўлган. Шу билан бир қаторда мотурудия таълимотининг вужудга келишида асосий манба вазифасини ўтаган⁷⁷. Лекин бу бешта асарни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга тегишлилигида ихтилоф бор. Баъзилар мазкур асарларни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга мансублигини инкор қилиб, бу унинг амалидан эмас деганлар. Айримлар эса, бу асарлар Абу Ҳанифа кунясини олган Муҳаммад ибн Юсуф Бухорийга мансуб деганлар. “Ал-Маноқиб ал-кардарийя”да келтирилишича, муътазила тоифаси Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни ўзларидан бўлган деб даъво қилганлар. Ушбу асарларда эса уларнинг ақидаларини нотўғри эканлигини баён қилувчи матнлар мавжуд. Шунинг учун улар бу асарларни Абу Ҳанифа кунясини олган Муҳаммад ибн Юсуф

⁷⁵ Шамсуддин Муҳаммад Абдуллатиф. Абу Ҳанифа Нуъмон ва оробуху ал-каломийя. Миср: 1999 – Б. 2. (Бундан кейин: Шамсуддин Абдуллатиф. Абу Ҳанифа ва оробухул каломийя)

⁷⁶ Забидий Абул Файз Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад. Итҳаф ас-содат ал-муттақин. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1996. – Б. 13. (Бундан кейин: Забидий. Итҳоф).

⁷⁷ Оқилов С. Калом илми. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2011. - Б. 20. (Бундан кейин: Оқилов С. Калом илми)



Бухорийники деганлар⁷⁸. Бу Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳга нисбатан ёлғондир.

Муҳаддис ва усул уламоларидан бир нечтаси набавий ҳадисни уммат розилик билан қабул қилса ва унга амал қилса, гарчи у иснод юзасидан саҳиҳ бўлмасада, лекин бу ўша ҳадисни саҳиҳ дейилганини очик айтганлар. Ўша уламолар жумласидан Ибн Абдилбарр, Абу Исҳоқ Исфароиний, Ибн ал-Қайном, ибн Ҳажар, Ибн Хумом, Саховий ва Суютий раҳматуллоҳи алайҳимлар ҳам бор. Бу гаплар жуда каттик текшириладиган набавий ҳадис тўғрисида бормоқда. Ҳадисларнинг ривояти ва нақлига эътибор берилганчалик эътибор қаратилмайдиган китоблар ва рисоаларнинг нақлига келганда ҳадисларнинг нақл қилинишида қўлланган услуб уларга нисбатан қўлланилиши тўғри бўлаверади. Ҳатто, бир неча йўллар билан нақл қилинганлиги даъво қилинаётган баъзи машҳур китоблар ҳам бизгача ғариб йўллар ва оҳод ривоятлар билан етиб келган⁷⁹.

Тўғрироғи, бу китобларда айтилган масалалар Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳнинг Ҳаммод, Абу Юсуф, Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим Самарқандий каби шогирдларига қилган имлоларидандир. Улар эса, ўша имлоларни жамлаганлар ва улардан ушбу жамланган имлоларни имом Абу Мансур ал-Мотурудийга саҳиҳ иснод билан етгунча Исмоил ибн Ҳаммод, Муҳаммад ибн Муқотил Розий, Муҳаммад ибн Самоъа, Нусайр ибн Балхий, Шаддод ибн Ҳакам каби ва улардан бошқа имомлар қабул қилиб олдилар. Демак, ким мазкур китобларни Абу Ханифага нисбатини берса, тўғри бўлади. Чунки, ушбу масалалар унинг имлосидандир. Ким бу китобларни Абу Мутиъ Балхий ёки унинг табақасидагилардан ё улардан кейингилардан бирортасига нисбатини берса ҳам тўғри бўлади. Чунки, ушбу масалаларни улар жамлаганлар. Буни Имом Шофийий раҳматуллоҳи алайҳга мансуб “Муснад” китобига ўхшатиш мумкин. Чунки, у Абу Амр Муҳаммад ибн Жаъфар Найсобурийнинг Абул Аббос Асоммга Имом Шофийийнинг усулларида чикариб берганларидир⁸⁰.

Муҳаққиқ аллома Муҳаммад Зоҳид Кавсарий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “ал-Олим ва-л-мутаъаллим” китобига муқаддима ёзиб, қуйидагиларни айтган: “Ушбу рисола Абу Муқотил Ҳафс ибн Силмнинг Имом Аъзам Абу Ханифа Нуъмон раҳматуллоҳи алайҳдан қилган ривоятидир. Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳи томонидан Басра

⁷⁸ Кардарий. Манокиб. – Б. 122, 160.

⁷⁹ Бобиртий Акмалуддин. Шарҳ Васият ал-имам Аби Ханифа. – Уммон: Дор ал-фатх, 2009. Кириш. – Б. 26. (Бундан кейин: Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш.)

⁸⁰ Забидий. Итҳаф. – Б. 14.



олими Усмон ибн Муслим ал-Баттий (ваф. 143 х.)га юборилган рисола Абу Юсуфнинг Абу Ханифадан қилган ривоятидир. “Ал-Фикҳ ал-акбар” Абу Мутиънинг Абу Ханифадан қилган ривоятидир. У асҳобларимиз наздида (яъни, ҳанафийлар наздида) “ал-Фикҳ ал-абсат” деб танилган. “Ал-Фикҳ ал-акбар” Ҳаммод ибн Аби Ханифанинг отасидан қилган ривоятидир. “Ал-Васият фий ақида аҳл ас-сунна” Абу Юсуфнинг Абу Ханифадан қилган ривоятидир. Ушбу рисолалар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар ва улардан кейин келган аҳли суннанинг ақидасини ўрганишда асҳобларимиз наздидаги асосдир”⁸¹.

Муҳаммад Зоҳид Кавсарий раҳматуллоҳи алайҳи “ал-Ақида ва-л-калом” ном остида бир неча ақида китобларини таҳрир қилган ҳолда чоп қилдирган. Шулардан Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳининг ақидага оид бешта китобларини ҳам чоп қилдириб, муқаддимасида қуйидагиларни айтган: “Имом ал-ҳуда Абу Мансур ал-Мотурудий раҳматуллоҳи алайҳи ўз таълимоти асосини ушбу рисолаларда келган масалалар устига қурди. Имом Абу Жаъфар Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам ўзининг “Ақида ат-Таҳовий” деб танилаган “баён этиқод аҳл ас-сунна ва-л-жамоа ала мазҳаби фуқаҳо ал-милла Аби Ханифа ва Аби Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан” номли китобида Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳининг ақидавий асарларидан фойдаланган. Шундан маълум бўладики, ушбу рисолалар тадқиқотчилар наздида катта аҳамият касб этади. Мазкур рисолаларнинг қўлёзма нусхалари Остона (мамлақати?) шаҳридаги “Мактабатул Фотиҳ” да ва Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-мулкийя” да мавжуд. Бу рисолаларнинг барчаси тўплам ҳолатида Остона шаҳрида бир аср олдинроқ чоп қилинган. Ушбу чоп нусхалари йўқ бўлиб кетганлиги сабабли чоп қилинмаган ҳукмида десак ҳам бўлаверади. “Васият” шарҳлари билан бирга бир неча бор чоп қилинган. Шунингдек, Ҳаммоднинг ривояти бўлган “Ал-Фикҳ ал-акбар” ҳам шарҳлари билан бир неча бор чоп қилинган”⁸².

Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳининг “Ал-Олим ва-л-мутаъаллим” асари бир неча йиллар олдин Ҳиндистонда чоп қилинган. Лекин, санади келтирилмаган ва баъзи ўринларда биз билган нусхаларга хилоф келган жойлари ҳам бор. Унинг Абу Мутиъ Балхий ривоят қилган “Ал-Фикҳ ал-акбар” асари⁸³нинг шарҳи Миср ва Ҳиндистонда чоп қилинган. Лекин, ношир бу шарҳнинг нисбатини адашиб Абу Мансур ал-Мотурудий

⁸¹ Абу Ханифа. Ал-Олим ва-л-мутаъаллим. /Муҳаммад Зоҳид Кавсарий таҳрири остида – Қоҳира: Матбаа ал-анвор, 1368 х. – Б. 3. (Бундан кейин: Абу Ханифа. Ал-Олим ва-л-мутаъаллим.)

⁸² Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-Ақида ва илмул калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2004. – Б. 563. (Бундан кейин: Кавсарий. Ал-Ақида)

⁸³ Ушбу асар Ҳаммод ибн Аби Ханифанинг ривояти билан нақл қилинган “ал-Фикҳул акбар” асаридан фарқлаш мақсадида “ал-Фикҳул абсат” деган ном билан машҳур бўлган.

рахматуллоҳи алайҳга берган. Тўғрироғи бу шарҳ унга тегишли эмас. Чунки, ушбу шарҳда ал-Мотурудийдан кейин яшаб ўтган уламолардан иқтибослар келтирилган.

Аслида ушбу шарҳ Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳга (ваф. 373 х.) мансуб. Чоп қилаётганлар бунинг аслини, ҳақиқатини ва тўғрилигини яхшилаб текшириб кўрмаганлар. “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”да мавжуд мазкур шарҳнинг бир қанча қўлёмалари Абу Лайс Самарқандийга нисбати берилган. Мазкур кутубхонада сақланаётган илми калом тўғрисидаги 349 ва 393 мажмуалар ҳамда 195 рақамли китоб бунга ёрқин далил бўла олади. У ерда ўша шарҳ Абу Лайс Самарқандийга мансуб эканлиги очиқ-равшан кўриниб турибди⁸⁴.

Манбаларда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ақидага оид мазкур бешта асарининг санадлари ҳам келтириб ўтилган:

“Ал-Олим ва-л-мутаъаллим” асарининг санади

Маккий ўзининг “Маноқиб”ида “ал-Олим ва-л-мутаъаллим” асарининг санадини китобат қилинган ҳолда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийдан, у Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик Насафийдан, у Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафрийдан, у Абу Амр Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийдан, у Имом Абу Муҳаммад Ҳорисий Бухорийдан, у Муҳаммад ибн Язиддан, у Ҳасан ибн Солиҳдан, у Абу Мукотилдан, у Абу Ҳанифадан ривоят қилган⁸⁵.

Бошқа йўл билан қилинган ривоятда Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аби Рабийъ Мозиний Муқриъдан, у ўқиб берилганлиги жихатидан Абу Аъло Ҳомид ибн Идрисдан, у Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад Насафийдан, у Абу Тохир Маҳдий ибн Муҳаммад Ҳусайнийдан, у Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Ясорийдан, у Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Али Сулаймоний Бийкандийдан, у Абу Саид Ҳотам ибн Ақийл Жавҳарийдан, у Фатҳ ибн Аби Алвон ва Муҳаммад ибн Язиддан ривоят қилган. Улар “бизга Ҳасан ибн Солиҳ Абу Мукотилдан, у Абу Ҳанифадан хабар берди”, - дедилар⁸⁶.

Камроқ ровийлар воситасида олий санад билан Абу Ҳафс Насафийнинг Абу Яъқуб Ясорийдан Абу Ҳанифагача бўлган санади орқали қилган ривояти ҳам мавжуд. “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”да сақланаётган бир нусхада Ибн Қози ал-Аскар Абу-л-Ҳасан Али ибн Халил Димашқийдан, у Абу-л-Ҳасан Бурхониддин Али ибн Ҳасан Балхийдан, у Абу-л-Муъин Насафийдан, у отаси Муҳаммад Насафийдан, у Абдулкарим ибн Мусо Паздавий Насафийдан, у Абу Мансур ал-Мотурудийдан, у Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийдан, у Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний ва Муҳаммад

⁸⁴ Абу Ҳанифа. Ал-Олим ва-л-мутаъаллим. – Б. 4.

⁸⁵ Маккий. Маноқиб. – Б. 84-94.

⁸⁶ Маккий. Маноқиб. – Б. 86.



ибн Мукотил Розийлардан, улар Абу Мутиъ Ҳакам Абдуллоҳ Балхий ва Абу Исмаат Исом ибн Юсуф Балхийлардан, улар Абу Мукотил Ҳафс ибн Силм Самарқандийдан, у Имом Аъзам Абу Ҳанифадан ривоят қилган⁸⁷.

“Рисола ила Усмон ал-Баттий”нинг санади

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг Басра олими Усмон ал-Баттийга ёзган рисолаларига келсак, унинг санади “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”да сақланаётган нусхада Имом Ҳусомуддин Ҳусайн ибн Алий ибн Ҳажжож Сигнокий⁸⁸дан, у Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорийдан, у Шамс ал-аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарийдан, у “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурхонуддин Марғилонийдан, у Зиёуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Носируддин Ярсухийдан, у “Тухфату-л-фуқаҳо” асарининг муаллифи Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандийдан, у Абу-л-Муъин Маймун Насафийдан, у Абу Закариё Яҳё ибн Муторриф Балхийдан, у Абу Солиҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн Самарқандийдан, у Абу Саъид Саъдон ибн Муҳаммад ибн Бакр Бустийдан, у Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Форисийдан, у Насийр ибн Яҳё Балхийдан, у Муҳаммад ибн Самоъа Тамимийдан, у Абу Юсуф Яъқуб Ансорийдан, у Имом Аъзамдан ривоят қилиниб келтирилган⁸⁹.

“Ал-Фикҳ ал-абсат”нинг санади

“Ал-Фикҳ ал-абсат”нинг санади “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”да сақланаётган нусхасида “Бадоиъ ас-саноиъ” асарининг муаллифи Абу Бакр Косоний “Тухфату-л-фуқаҳо” асарининг муаллифи Алоуддин Самарқандийдан, у “Табсира ал-адилла” асарининг муаллифи Абу-л-Муъин Насафийдан, у Фазл номи билан танилган Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али⁹⁰дан, у Ибн Молик Насрон ибн Наср Хаталийдан, у Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад Форисийдан, у Насийр ибн Яҳё Балхийдан, у Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхийдан, у Имом Аъзамдан ривоят қилган. Заҳабий Насрон Хаталийнинг Али ибн Ҳасан Ғозалдан қилган ривоятини айтган. Яна Абу-л-Муъинни Яҳё ибн Муторрифдан, у Абу Солиҳ Муҳаммад ибн Ҳусайндан, у Абу Саъид Саъдон ибн Муҳаммад ибн Бакр ибн Абдуллоҳ Бустий Журмукийдан, у Али ибн Аҳмад Форисийдан, у Абу Ҳанифагача бўлган санади билан қилган ривояти ҳам бор⁹¹.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг санади

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асари кўп бор чоп қилинган. Унинг бир неча шарҳлари мавжуд бўлиб улар ҳам чоп қилинган. Шайху-л-ислом аллома

⁸⁷ Маккий. Маноқиб. – Б. 95.

⁸⁸ Сигнокий Марғилонийнинг Ҳидоя асарига шарҳ ёзган

⁸⁹ Кавсарий. Ал-Ақида. – Б. 565.

⁹⁰ У бир юз йигирмага яқин китоблар ёзган. Лекин, унинг шаъни борасида баъзи гаплар айтилган.

⁹¹ Кавсарий. Ал-Ақида. – Б. 566.



Ориф Ҳикматнинг Мадинаи Мунавварадаги кутубонасида 226 рақам остидаги мажмуа ичида сақланаётган кўлёзма нусхасида “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг санади келтирилган. Унинг аввалида шайх Иброҳим Кавроний китобни Али ибн Аҳмад Форисийга боғлаган, у Насийр ибн Яҳёдан, у ибн Муқотилдан⁹², у Исом ибн Юсуфдан, у Ҳаммод ибн Аби Ҳанифадан, у отасидан ривоят қилган. Ушбу кутубхонада Ҳаммод ривоят қилган “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг иккита қадимий ва саҳиҳ нусхаси мавжуд. Ноширлардан бири “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг ушбу икки нусхасини “Дор ал-кутуб ал-мисрийя”да сақланаётган нусхалари билан солиштириб қайтадан нашр қилдирганларида яхши бўларди. Билдириб ўтиш лозимки, “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг айрим кўлёзма ва нашр қилинган нусхаларида Ибн Муқотилни Абу Муқотил деб, Насийрни эса Наср билан алмаштириб келтирилган⁹³.

Уламоларнинг эътирофи

Аксар уламолар ушбу китобларни ўз китобларида нақл қилган ва асос қилиб олганлар. Шулар жумласидан, Фахрул ислом Алий ибн Муҳаммад Паздавий “усул” китобини аввалида “Ал-Фикҳ ал-акбар”, “ал-Олим ва-л-мутаъалим” ва “Рисола” китобларидан айрим масалаларни зикр қилган⁹⁴. Ҳусомуддин Сиғноқийнинг “ал-Кофий” китобининг ҳамма шарҳларида, Қивомуддин Итқонийнинг “аш-Шомил”, Жалолуддин Кавлонийнинг “аш-Шофий”, Қивом Кокийнинг “Баён ал-усул”, Бухорийнинг “Бурҳон”, Алоуддин Бухорийнинг “Кашф”⁹⁵ ва Акмалуддин Бобиртийнинг “ат-Такрир” номли китобларида мазкур бешта китобнинг баъзи масалалари зикр қилинган.

“Рисола” Ҳамадонийнинг “Хизонат ал-акмал” китобининг охирларида тўлалигича зикр қилинган. Имом Нотифий ҳам “ал-Ажнос”да “Рисола”ни келтирган. “Ал-Олим ва-л-мутаъаллим” китобининг кўп масалалари имом Нажмуддин Насафийнинг “Маноқиб”ида, Хоразмийнинг ҳам “маноқиб”ида ва Абу Муҳаммад Ҳорисий Ҳофизнинг “ал-Кашф”ида зикр қилинган. “Ал-Мухит ал-бурҳоний”да аҳли китобнинг никоҳи бобида эса унинг баъзи масалаларининг зикри келган. “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг баъзи масалаларини шайхул ислом Муҳаммад ибн Илс “фатаво”сида, Ибн Ҳумом “Мусояра”сида айтиб ўтганлар⁹⁶.

⁹² Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муқотил Розий.

⁹³ Кавсарий. Ал-Ақида. – Б. 567.

⁹⁴ Паздавий Абу-л-Ҳасан Алий ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн. Усул ал-Баздавий маъа Кашф ал-асрор. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, - Б. 35-36.

⁹⁵ Бухорий Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад. Кашф ал-асрор. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1394 х. – Б. 35-38

⁹⁶ Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 24.



Абу-л-Муъин Насафий “Табсира” асрининг “таклид қилиш” ва бошқа фаслларида “ал-Фикҳ ал-абсат” да келган баъзи масалаларини келтириб ўтган ва “Ал-Фикҳ ал-акбар” ҳамда “ал-Олим ва-л-мутаъаллим” даги ақида масалаларини айтиб ўтган⁹⁷. Нуруддин Бухорий “Кифоя” асарининг “танзийх” фаслида, Ҳофизуддин Насафий “ал-Иътимод шарҳ ал-Умда” ва “Кашф ал-манор” асарларида, Нотифий “ал-Ажнос” да, қози Абу-л-Аъло Соъидий “ал-Эътиқод” китобида, Абу Шужоъ Носирий “ал-Бурҳан ас-сотий” да ва Абу-л-Маҳосин Маҳмуд Қувनावий ҳам “Ақида ат-Таҳовий” нинг шарҳида “ал-Фикҳ ал-абсат” нинг баъзи масалаларини зикр қилганлар. Фақиҳ Ато ибн Алий Жузжоний “ал-Фикҳ ал-абсат” га гўзал шарҳ ёзган.

Муҳаммад Субҳи Оидий ва Ҳамза Муҳаммад Васим Бакрийлар Бобиртийнинг “Шарҳ Васият ал-имам Аби Ҳанифа” асарига ёзган муқаддимасида келтиришича, “Ал-Фикҳ ал-акбар” ни фузалолардан бир қанчаси шарҳлаганлар. Улардан баъзилари аллома Абу Лайс Самарқандий (ваф. 373 х.), усул ал-фикҳ бўйича машҳур аллома Паздавий (ваф. 482 х.), Акмалуддин Бобартий (ваф. 786 х.), Илёс ибн Иброҳим Сийнубий (ваф. 891 х.), Абул Мунтаҳо Аҳмад ибн Муҳаммад Мағнийсовий (ваф. 939 х.), Муҳйиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин ибн Лутфуллоҳ Байромий (ваф. 956 х.) ва аллома Алий Қорий (ваф. 1014 х.)лар⁹⁸.

Ҳаким Исҳоқ Румий (ваф. 950 х.) “Ал-Фикҳ ал-акбар” ни мухтасар қилди ва “ал-Ҳикма ан-набавийя” деб номлади. Абу-л-Бақо Аҳмадий (ваф. 918 х.) ушбу асарни назмга солиб, унга “Ақд ал-жавҳар назм наср ал-фикҳ ал-акбар” деб ном қўйди. Шарифий номи билан танилган Иброҳим ибн Ҳисом Жирмиёний (ваф. 1016 х.) ҳам уни назм қилган.

Иброҳим ибн Исмоил бешинчи асрда ва Ато ибн Алий ибн Муҳаммад Жузжоний еттинчи асрда “ал-Фикҳ ал-абсат” ни шарҳлаганлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак (ваф. 406 х.) “ал-Олим ва-л-мутаъаллим” га шарҳ ёзганлар⁹⁹.

Ибн Баззозий “Маноқиб” ида шундай деган: “аллома Шамс ал-милла ва-д-дин Кардарий хати билан ёзилган бу икки китоб, яъни “Ал-Фикҳ ал-акбар” ва “ал-Олим ва-л-мутаъаллим” ни кўрдим. У иккисида булар Абу Ҳанифаникидир ва бунга жумҳур машойих иттифок қилганлар деб, ёзиб қўйилган”¹⁰⁰.

Салаф солиҳ уламолар ақидаларининг муҳим манбаларининг энг аввалида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Ал-Фикҳ ал-акбар”

⁹⁷ Насафий. Табсира. – Б. 25.

⁹⁸ Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 25-26.

⁹⁹ Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 26.

¹⁰⁰ Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. – Б. 149.



китоблари туради. У ислом ақидасини мужаз услубда, енгил ибора билан, фалсафа ва ноаниқликдан холи ҳолатда ёзилган содда баёнидир. Муслмон шахс ҳаётида ақида ва тавҳидга бўлган эътибор биринчи ўринда туради. Чунки, у иймоннинг асоси. Шунинг учун Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ушбу китобни “Ал-Фикҳ ал-акбар” яъни катта фикҳ деб номлади¹⁰¹.

Табиийки, алломанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласи бошқа асарлари орасида машҳур бўлган. Ушбу рисолада Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг ақидага оид қарашларини ёритиб берганлар. “Ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласига кейинчалик кўплаб машҳур уламолар томонидан шарҳлар ёзилган:

1. Абу Мансур Мотурудийнинг “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар ал-мансуб лил Имом Аби Ҳанифа” номли шарҳи;

2. Ҳаким Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоилнинг (ваф.342/954 й.) “ал-Ҳикмат ан-Набавия” номли шарҳи. Кейинчалик бу шарҳ Ҳаким Исҳоқ ибн Муҳаммад томонидан яна мухтасар шаклга келтирилган;

3. Шайх Абдулқодир Жийлонийнинг (ваф. 561/1166 й.) “Ад-дурр ал-азҳар фи шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” номли шарҳи;

4. Мавло Илёс ибн Иброҳимнинг (ваф.891/1486 й.) “Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” номли асари;

5. Абу-л-Вафо Аҳмадий Муҳаммад ибн Алий ибн Халафнинг (ваф. 918/1513 й.) “Иқд ал-жавҳар назм наср ал-фикҳ ал-акбар” номли манзумаси;

6. Мухйиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддиннинг (ваф. 956/1549 й.) “Ал-Қовл ал-фасл” номли шарҳи;

7. Мавло Аҳмад ибн Муҳаммад Абу-л-Мунтаҳонинг (ваф. 1000/1592 й.) “Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” номли асари;

8. Алий ибн Султон Муҳаммад ал-Ҳаравий ал-Қорий (ваф. 1014/1606 й.) қаламига мансуб “Минаҳ ар-равз ал-азҳар шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” асари;

9. Халқ орасида Шарифий номи билан танилган Иброҳим ибн Ҳисомнинг (. Ваф.1016/1608 й.) назмий услубда ёзилган шарҳи;

10. Акмалуддин Юсуф ибн Иброҳимнинг “ал-Иршод фи шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” номли шарҳи¹⁰².

Юқорида зикр қилинган гаплардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур асарлар Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга тегишлидир. Уламоларнинг ушбу рисоаларни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга мансуб, деб розилик билан қабул қилишлари Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳгача етган иснодлари борасида баҳс қилишга эҳтиёж қолдирмайди.

¹⁰¹ Доктор Абдулвахоб Иброҳим Абу Сулаймон. Китабат ал-баҳс ал-илмий ва масодир ад-дирсот ал-исламия. – Жидда: Дор аш-шурук, 1986. – Б. 269.

¹⁰² Оқилов С., Примов С., Ғиёсов А.. Суннийлик таълимоти. – Б. 62.



Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) А.Мадвалиев. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2007. 350-б.
- 2) Ал- Кураший. Ал-Жавоҳирул музиййа фи табақотил Ҳанафия. 2/295.
- 3) www.mehrob.uz Сайид Раҳматуллоҳ Термизий ҳафизахуллоҳ. Абу Муин Насафийнинг ҳаёти. 15.11.2017.
- 4) Ибн Туғрий Бурдий. Ал-Манҳалул софий вал муставфо баъдал вофий. 2/72.
- 5) Ибн Обидин. Роддул муҳтор. 1/256.
- 6) Ҳ.Аминов. С.Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. 174-бет.
- 7) Байҳақий. Сунани кубро. –Ҳайдаробод. Низомия, 1344 х.
- 8) Муҳаммад ибн Абдулғани. Аълум. –Байрут. Дорул илм.1980.
- 9) Самъоний. Ансоб. –Ҳинд. Доиратул маъориф.1385 х.
- 10) Ибн Касир. Албидоя ван Ниҳоя. –Байрут. Мактабатул маъориф.1966 х.
- 11) Хатиб Бағдодий.Тарихи Бағдод. –Байрут. Дорул кутубул арабий.1980.х